Аббул Жалил

ҲОРҒИН ВОДИЙ

Шеърлар

Тошкент

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти
1989

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўз2
Ж20

Шоирнинг илк китоби

Х $\frac{4702620202-210}{М352(04)-89}$ Доп. 89

© Абдул Жалил, 1989 й.

ISBN 5—635—00198—Х

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ёз

Яшайман қалбда шеър — жароҳат билан,
Баъзида теран у, баъзида саёз.
Менинг юрагимга ҳарорат билан
Райҳон бўйларини олиб киргин, ёз.

Ҳали тиниқ тортмай дарёларда сув,
Буғдой ўроғига тушганида эл,
Боғларим бағрига ғўрадан ғулув
Ва деҳқон отамга мадор олиб кел.

Саҳрода қумларнинг қуюни аро
Эсган шамолларнинг қайнаса қони,
Ёмғир осмонига қилиб илтижо
Увилиб келмасин майсанинг жони.

Водийни қопласин ўтлар-ўланлар,
Ведазор очилсин тойга, бияга.
Тунлар овга чиқса агар илонлар,
Шикаст етказмасин чумчуқ уяга.

Яйловда яшиллик таъмини туйиб
Маърасин чўпоннинг қўзичоқлари.
Ўйнасин тупроқда оёғи куйиб
Қишлоғимнинг жажжи қизалоқлари...

* * *

Туман тарқалади. Қишлоқ устида
Қуёшнинг безавол кулгуси учар.
Бугун менинг кўнглим равшандир жуда,
Бугун менинг руҳим оламни қучар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ухлаётган сўқмоқ кўксига кеч куз
Тақар япроқлардан ялтироқ тумор.
Толлар қуршовида қуриган ҳовуз
Ўйлар: чанқоғимни босармикан қор?..

Қушчалар қувониб қаршилар, замин
Саҳнига сочилган ризқу рўзини.
Бир ажиб майсалар — нозик ва майин —
Қоплар қўзиларнинг туёқ изини.

Бу фасл бизларни қайга элтади,
Чумолилар қани, арилар қани? —
Бедазор ҳасратин босиб кетади
Олис шаршаранинг шовуллагани.

Боғларнинг беармон қўшиғи тингай,
Лекин у айланмас титроқ нолага,
Энди далалар ҳам дардин эринмай
Сўйлар ёлғизгина чўпон болага...

* * *

Қуёш ботар. Товланар алвон
Уфқ — чўғи ўчмаган ўчоқ.
Шамол эса бошлар. Осмон
Юлдузларга очади қучоқ.

Узоқларда — тоғлар бағрида
Уйғонади гуркираб шоён
Куннинг оташ бўсаларидан
Беҳол ётган қорамтир ўрмон.

Соҳиллардан уфурган ҳаво
Тўқайзорлар танин яйратар.
Сокинликда бағри кенг дарё
Тун қушларин бир-бир сайратар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Таҳсин деб чечаклар бўйига,
Майсаларга тақиб сирғалар.
Юксак чўққилардан қуйига
Оқаётир ҳурлик — жилғалар.

Бир енгил наволар уйғонди
Беором элларнинг барида.
Ранггину раққоса руҳ энди
Жилғаларнинг жилваларида.

Майса — ер розини тинглаб жим,
Кўзларим тўларкан ёшларга.
Зилол туйғуларим, ҳайратим
Сачрар мудраётган тошларга.

Ўртандингиз соғиниб кимни?
Сирдош соҳиллардан сўрайман.
Маъюс оқаётган умримни
Мен ҳам наволарга ўрайман...

* * *

Кузак шивирлайди бетиним,
Оламга ўт қўймоқ матлаби:
Севолмайди офтобни ҳеч ким
Дарахтларнинг япроғи каби...

Рангдор, тансиқ олмаларини
Кўп авайлаб яширар боғлар.
Тупроқ титиб, оч-ахтариниб
Ишкомларда изғийди зоғлар.

Ёмғирлар-чи, бўзлаб айтар: бу
Куй — чорловни туйдингми, юрак? —
Қанча қаттиқ бўлмасин уйқу,
Далаларни уйғотмоқ керак.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Ойдин тунлар ўтди, азизам,
Сўнди олис-олис юлдузлар.
Лекин нега юлдузларимиз
Қўшилганда... айрилдик бизлар?

Жафо кўрмай иккимиздан ҳам,
Бағрин тешмай хиёнаткор ўқ
Яшар эди севгимиз, ахир,
Энди унинг излари ҳам йўқ.

Гуноҳим шу — асрадим пинҳон,
Ишқ яшамас ошкора дедим.
Йўлларимда мағрур бир имкон
Йўлдош эди — оввора эдим.

Юракларга тиғдай қадалган
Нигоҳларим толди сочингда.
Муҳаббатнинг менга аталган
Бўсалари қолди сочингда.

Бугун қалбим тўла нур, шафқат,
Хаёлимда бир ўт юксалар.
Армон бўлиб сўнган муҳаббат
Гоҳо орзу каби ушалар...

Токи ишқ-ла оларкан нафас,
Яшар экан умидли, аҳдли,
Алвидо деб севгига эмас,
Айриликқа айтганлар бахтли!

* * *

Бу дарё ҳам бу сойда
Шамолнинг шўх куйи бор.
Улар қўшилган жойда
Бир гўзалнинг уйи бор.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Секин-секин юрар у
Қарамай ён-верига.
Узоқ хаёл сурар у
Оқар туйғу селида...

Сунбул-сунбул сочини
Сойга солиб ювади.
Соч намини қуёшнинг
Қарашлари қувади.

Тушиб оқшом, қоронғу,
Ой чиққанда самога.
Сув париси мисол у
Чўмилади дарёда.

Шарқираб қуйилган сой
Сукунатни бузади.
Дарё гувлар, эсар ел,
Ой оҳиста сузади...

Кифтларин асов тўлқин
Қучиб, ўпган дамлари
Ёйилиб кетар чилвир
Сочининг ўрамлари.

Шамоллар чекади оҳ:
«Атрофга боққин бир бор,
Қўйлагингни соҳилда
Кийиб олмиш майсазор.

Сочларингдан таралган
Анбар кўкка етибди
Ва ҳарир рўмолингни
Ой ўғирлаб кетибди...»

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Қуёш олис уфқдаги
                    чўққиларга суринди,
Энди унинг изларидан
                    қоронғулик ўрмалар.
Қанотлари толдими ё
                    сафар узоқ кўринди —
Зарафшоннинг бўйларида
                    тунаб қолди турналар.

* * *

Сокин супаларни супурди шамол,
Хазонлар ҳовузнинг тубига чўкди.
Эгик шохларидан бугун мажнунтол
Сўнгги япроқларни заминга тўкди.

Заъфарон зар сочиб устидан, мана,
Ўрмонлар яширди сўқмоқларини.
Изғирин қўшиғи музлатар яна
Тоғда дарёнинг шўх ирмоқларини.

Булутлар қуёшни тўсиб, толдириб,
Чеҳрасига соя солди кундузнинг.
Қушларни қаҳратон қишга қолдириб
Кетгиси келмайин турибди кузнинг.

* * *

Титраб кетар бедазор —
Кишнар тушовланган от:
«Заҳарли, олачипор
Қамчин бўлди бу ҳаёт!»

www.ziyouz.com kutubxonasi

Терга ботган, ташнаган,
Тинмай депсинади от:
«Тўпиғимдан тишлаган
Занжир бўлди бу ҳаёт!»

* * *

Поёнида тупроқ кўчанинг —
Кўримсиз,
қаровсиз
ва жабрдийда,
Пастак девор билан ўралган,
хароб,
Кимсасиз ҳовлида гуллади жийда.

Ялтираб ёнаркан япроқлар аро
Қачондир санчилган бахтсизлик тиғи,
Ҳайҳотдай ҳовлига сиғмас жийданинг
Шамолга шивирлаб айтган қўшиғи.

* * *

Далалар висолин соғинди юрак,
Мен унинг ҳукмини ижро этаман —
Қушлар галасига қўшилиб тонгда
Олис қишлоғимга учиб кетаман.

Унда ҳамма нарса мени соғинар,
Унда онам мени интиқ кутади.
Менинг болалигим, менинг шўхлигим
Унинг хаёлидан ўтади.

Кўзлари ўнгига келар адирда
Бир қўлида хипчин, бир қўлида най.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Гоҳо кун тиғида, гоҳо ёмғирда
Бир ўзи қўй боқиб юрган болакай.

Унинг кўз ўнгига келади баҳор
Кўм-кўк гилам ёйган бедазор, осмон,
Шамоллардан шиддат олиб, сўқмоқда
Чопиб бораётган ўспирин ўғлон...

Онажон,
онажон, ўғлингни кечир,
Маъюс нигоҳингни қадама унга.
Дунёда борлигинг учун мен ахир
Ишониб яшайман бахтиёр кунга!

Далалар висолин соғинди юрак,
Мен унинг ҳукмини ижро этаман —
Қушлар галасига қўшилиб тонгда
Она қишлоғимга учиб кетаман.

* * *

Дарахтларнинг сокин гўшаси,
Майсаларнинг ватани — ўрмон,
Сени замин бағрига босган
Ва қучоқлаб турибди осмон.

Тунги ёмғир ювган сочингни
Тарай деб тонг еллари толар.
Кундузлари теппангда қуёш
Узоқ-узоқ термулиб қолар.

Теракларнинг тик танасига
Сачрар кўнгил рози ирмоқнинг.
Сув узра нур тантанасига
Кўшиклгиси келар япроқнинг.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Новдаларнинг сояси сувда
Қуюқлашар, секин сурилар.
Унга дарё мавжларининг шўх
Оҳанглари келиб урилар.

Чўкаман, дил тўла ҳаяжон,
Чучмомалар ҳузурида тиз.
Бу заминга мен ҳам бегумон
Бир гиёҳдай отурман илдиз.

* * *

Энди қирлар кўксига баҳор
Санчар майсаларнинг илдизин.
Ўнгирларга яширинар қор,
Ел эритар бўрилар изин.

Энди тулки иштаҳа очиб,
Қўтонларга пусиб мўралар.
Сурувларин юборар сочиб
Ёғочтўсин қишки қўралар.

Энди юртнинг ҳар ўтлоғига
Томчи ёмғир — бебаҳо сийлов.
Буталарни қўй туёғига
Қистиради янтоқзор яйлов.

БАХМАЛ

Бахмал узра бахмалдек осмон,
Алвонлашиб борар далалар.
Гўё юрагимдан силққан қон —
Қизғалдоқзор маъюс чайқалар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тоғ бағирлаб чопаётган сой
Йўлларини харсанглар тўсмиш.
Совуқ жарда самовий чирой —
Матонатли дарахтлар ўсмиш.

Ҳар адашган сўқмоқ сўнгида
Қўй-қўзилар учун кечув бор —
Ҳовучласанг, бармоқларингни
Саратонда музлатган сув бор

Ҳурган олис ит товушига
Бепарвою беғам, беқўрқув,
Қирларнинг кенг, қия тўшига
Майса узра сочилмиш сурув.

Ҳар ҳовлига янтоқ туширган
От-уловлар энди шом, саҳар,
Бўронларнинг изини йўлдан
Ипак одим билан ўчирар.

Кўз илғамас яйлов уфқига
Кекса чўпон каби қўяр бош.
Чўққиларнинг чўкмор кифтида
Булоқларни уйғотган қуёш.

* * *

Хаёлларим учар Зарафшон бўйлаб,
Хаёлларим учар Самарқанд сари:
Бу қадим дунёнинг дардини сўйлаб
Ёнаётир унинг умр йўллари.

Баланд бўлар эди кўксим қуёшдан
Менинг қалб сўзимни тингласанг агар,
Энг оғир кунларни кечириб бошдан,
Энг бахтли кунларга эришган шаҳар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Дилда ғурур билан Чўпон отанинг
Қарайман қирдаги қароргоҳига.
У айтмиш: то тирик эканки танинг
Қулоқ сол жафокаш элнинг оҳига.

Ҳайратдан жунбушга келган жонимни
Қўлласин минг йиллик матонат, бардош.
Зиёрат қилмасдан Бибихонимни
Сенинг осмонинг ўтмайди қуёш.

Ҳеч қачон айрилиқ тунларидаги
Сўнган бир ёғдуга ўхшатма мени.
Қуёшнинг саратон кунларидаги
Ҳарорати билан севаман сени.

* * *

Мунаввар тун, мунаввар тун,
Мунаввварсан ким учун?
Мен даво сўрдим сендан-ей,
Бедаво дардим учун.

Мунаввар тун, мунаввар тун,
Нечун бундай нақш этдинг?
Менинг маъюс нигоҳимга
Юлдузларни бахш этдинг...

* * *

Олислардан бир қиз келади,
Келар оқшом чўкаётган дам.
Келар нозик елкаларига
Ёйиб бахтли кечаларни ҳам.

Тонглар эса ишчан чумоли
Тупроқ йўлга солар экан из,
Елкасига ёйиб рўмолин
Олисларга кетади бир қиз.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Сени кўрсам яйрар юрагим,
Кўзларим-да қамашар менинг.
Уфқларнинг алвон кўйлаги
Бўйларингга ярашар сенинг.

Киприкларинг пойида эса
Ҳар кеч таслим қилар экан жон.
Бисотида бор мовийликни
Бой беради бечора осмон...

* * *

Сенга шеърлар айтиб бераман,
Покиза ишқ ҳақида шеърлар.
Севишганлар учун шеърни, кўп
Савоб ишнинг қўшиғи, дерлар.

Тунинг ойдин бағрига чўмиб,
Жўшқин меҳр билан то саҳар
Хаёлингни ёғдуга кўмиб
Сенга айтиб бераман шеърлар.

Энтикасан толедан сўраб —
Қайга элтар бу фароҳли тун?
Унинг жазо чоралари йўқ
Тунги оташ бўсалар учун.

Муҳаббатга ихтиёрингни,
Менга нозик қўлларингни бер.
Фақат туннинг хавотир чўккан
Кўзларига кулиб боқавер.

Сенга шеърлар айтиб бераман,
Сеҳргар ишқ ҳақида шеърлар...

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Тонг отар жуда эрта,
Кун ботади кеч, кеч.
Жоним, висол учун бу
Туннинг умри ҳеч, ҳеч.

Шамолларга айтайлик,
Шамшир бўлиб эссинлар.
Кундузнинг бўй-энидан
Оқшом учун кессинлар.

Баланд-баланд тоғларга
Айтайлик эгиб бошни,
Тик чўққилар ортида
Тутиб турсин қуёшни.

Тонг отар жуда эрта.
Кун ботади кеч, кеч.
Жоним, висол учун бу
Туннинг умри ҳеч, ҳеч.

Дарёларга айтайлик,
Оқсинлар чўғдай қизиб.
Олиб кетсин кундуздан
Парча-парча оқизиб.

Алвон-алвон уфқлар
Кунботарда порласин.
Хаёл сурган қуёшни
Оғушига чорласин.

Тонг отар жуда эрта,
Кун ботади кеч, кеч.
Жоним, висол учун бу
Туннинг умри ҳеч, ҳеч...

www.ziyouz.com kutubxonasi

ХАЙРЛАШУВ

Сочларингни офтобда қурит,
Мен кетаман энди йироққа.
Қўшиқ айтиб тошларни эрит,
Балиқлар ҳам чиқсин қирғоққа.

Бу дарёнинг сувлари зилол,
Омон сақлар сени балодан.
Тушларингга кирганда висол
Сўроқлагин мени дарёдан.

Тун келганда эсга ол мени,
Юрагингда яшасин қуёш.
Қайғуларга кўмса ҳам сени
Тун сирингни қилолмайди фош.

Шамолларга айтиб зорингни,
Хаёлларга берилиб якка,
Ташлаб қўйма ихтиёрингни
Ой сўйлаган сирли эртакка.

Сочларингни офтобда қурит...

СУНАЁТГАН ШАМ ВА ХАЁЛЧАН ҚИЗ

Секин сўниб борар милтиллаган шам
Умрини япроқдай берганча кузга,
У энди ғамда ҳам, ёлғизликда ҳам
Ҳамдам бўлолмайди хаёлчан қизга.

Қиз уни сўнг бора суйиб силади,
Бармоқлари узра титради алам.
Қиз унинг умрига умр тилади,
Лекин сўниб борар милтиллаган шам.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қафтида тутгандай парча офтобни
Ўтга чулғанарди шам сўнган сари.
Асло туймас эди бундай азобни
Қақшаб оғриганда озғин қўллари.

Шам қисмати эса ёниб битмоқдир,
Ҳамдарди бўлмоқдир қай бир ўксизнинг.
Лекин барчасидан шарафлироқдир
Ўлмоқ... қўлларида хаёлчан қизнинг.

* * *

Қайрилиб қарайди атиргул,
Шивирлар шошқалоқ шамолга:
Кетавер мурувват кўришни
Келтирмай ҳаттоки хаёлга.

Қайрилиб қарайди атиргул,
Куйлайди атрофда арилар:
Боғ ичра бир ойдин сўқмоқдан
Муҳаббат кўшкига борилар.

Қайрилиб қарайди атиргул,
Қуёшга урилар нигоҳи.
Шунчалар нафис бўй тарар ул —
Ҳидласанг, ювилар гуноҳинг.

* * *

Савр ўтиб бораётир, ҳеч
Осмон йиғламоқдан тўймайди.
Хира ёғду қўнган кўлмакда ҳар кеч
Ёмғир томчилари ўйнайди.

Бизлар эшитмаймиз, балки шундай чоқ,
Ҳасратингга ортиқ чидолмайман, дер
Бу сўнгсиз йиғидан ивиган тупроқ,
Заҳар-заққум ютиб семирган бу ер.

2—5750

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Бу сўқмоқдан юрар бўлсанг гар
Гиёҳларга бир-бир боқиб ўт:
Сени қутлаб, маъюс жилмаяр
Сариқ дуррачали қоқиўт.

Еллар маржон териб юради,
Бирдамликка ибрат тажриба —
Зангор қўшин тортиб туради,
Ариқ ёқасида ажриқлар.

Оёғингга кирмай деб ногоҳ
(Гарчи, буни ҳатто сезмайсан).
Салом берар, этади огоҳ
Сен исмини билмаган майса.

* * *

Ҳар қандай очкўзлик тўқ ва маст яшар,
Унга мумкин эмас емасдан турмоқ.
Гарчи, одил сўзлар, ҳақпараст яшар, —
Бир кун соткин бўлар ҳар қандай қўрқоқ.

АФРОСИЁБ

Эҳтимол бу харобани ҳам,
Хандақларда ҳорғин, дарғазаб
Найзадорлар — забардаст, илдам
Ясовуллар турар қўриқлаб.

Бир замон ер қаърига чўккан
Шаҳар ёнар, замин титрайди.
Унда жаллод қонини тўккан
Боболарнинг арвоҳи дайдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Минг савдони кифтига ортиб,
Минг машаққат чекиб юринар.
Минг карвон ғам юкини тортиб,
Аждодларнинг сафи кўринар.

Ҳар ён қонга беланган, мотам,
Бурқсиб кўкка ўрлар чанг, тутун.
Сарбадорлар сафида мен ҳам
Жангга кирдим озодлик учун!

Дўстнинг жароҳатли танини
Ё, малҳам, деб ерга қўяркан,
Номард кўзларини ғанимнинг
Бармоқларим билан ўяркан.

Кўкрагимга санчилар найза,
Кўзларимда қотар азоби —
Қип-қизил қон сачраган майса,
Суғд элининг сўлғин офтоби...

КЕТМОНЧИЛАР

Қўшиқ айтиш осон,
ер чопиш қийин,
Унга ярашмайди шўх ифодалар.
Қийиндир бир умр тақиб яшамоқ
Пешонага маржон тердан шодалар.

Кўзга суртмоқ осон,
гуллатмоқ азоб,
Кетмончилар асли заҳматзодалар.
Азобдир яшнаган пайкалларингни
Пайҳон қилиб кетса подалар.

Қара, ер бағридан, эй очкўз дунё,
Ризқ-рўз қазиётир сенга кончилар —
Бир кетмон тупроқни бир ботмон тилло
Билан алишмайди бу кетмончилар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Бу саркаш йўлларни ёқалаб энди
Қифтига азалий андуҳлар ортиб,
Панжаси қирқилган қўллар сингари
Каллакланган тутлар турар саф тортиб.

Агар йиллар ўтиб, хонадонларда
Ипак рўмол билан тўлса сандиқлар,
Бу тутлар танини тўлдирар яра —
Ойболта тиғидан мерос чандиқлар.

* * *

Шийпон — дала йўлнинг адоғига,
кенг.
Пайкалнинг бир бурчагига қўнган қўналға.
Дарахтлар,
сарҳовуз,
салқин шоҳсупа,
Парчагина полиз,
енгил шамолда
Қанотлари хушбўй капалак бўлиб
Иси учиб юрар ҳандалакларнинг
Ва қошига қўнар беланчакларнинг.
Ўтин ташиб келар болажон кампир —
Қоп-қора қумғонни ўчоққа кўмиб
Қайнатар чой эмас,
хотираларни.
Еллар-чи, сарҳовуз сатҳига сочар
Унинг ҳасрат тўла юрак титроғин.
Гўдаклар чарчатган
бу гўдак момо
Қийналар
эслолмай
гўдаклик чоғин...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Александр Блокдан

* * *

Гарчи, ой нур сочар — кеча қоронғу,
Гарчи, бахт келтирар барчага ҳаёт, —
Менинг юрагимни муҳаббат ҳам бу
Бўронлар измидан этолмас озод.

Қуюндай чирмайди борлиғимни тун
Ва аччиғу тотли оғуларга ғарқ
Бемор қалбнинг нурсиз кўзларига у
Ўлик нигоҳ билан тикилар бефарқ.

Туйғуларим асраб дилимда пинҳон,
Совуқ туманларга кўмилиб гоҳо,
Бир эзгу ўй билан ҳиссиз оломон
Орасида дайдиб кезаман танҳо:

Гарчи, ой нур сочар — кеча қоронғу,
Гарчи, бахт келтирар барчага ҳаёт, —
Менинг юрагимни муҳаббат ҳам бу
Бўронлар измидан этолмас озод.

МУТЕЛИККА ТАЪРИФ

Қоматинг — дол, бошинг — хам,
Пешонанг-ку шўр.
Эл бир қўшиқ бошласа,
Бўлолмайсан жўр.

Хаёлинг — ғор, ичида
Оч девлар яшар.
Шивирлашар: чида, чида...
Ва тиш қайрашар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тилинг ҳам тугун — қисиқ,
  Ишинг — итоат.
Бор-йўғинг фақат иссиқ
  Жондан иборат.

* * *

Енгил ёмгир ёғди руҳимда,
Юрагимда гиёҳлар унди.
Музлар эриб томирларимда,
Хаёлларим гуллайди энди.

Кўзларимда гуркирайди бот
Дарахтларнинг зангор япроғи,
Бир тиниқиб уйғонган ҳаёт —
Оловланган ўзбек тупроғи.

БОЛАЛИКНИ ЭСЛАБ

Дўстим Абдуғанига

Хаёл узоқларга учмоқ истайди,
Интизор юракнинг уриши ожиз.
Эҳ, агар болалик қайтиб келсайди,
У билан бахтиёр яшар эдик биз.

Билмадим эртаклар мамлакатининг
Қайси бир бурчида сарсон кезар у.
Балки ой-юлдузлар ҳамроҳи унинг,
Балки кундузлар ҳам унга қоронғу.

Биз эдик гулханлар ёққан болалар
Кезиб адирларнинг сўқмоқларида.
Биз эдик ҳайрат-ла боққан болалар
Зарафшоннинг заррин қирғоқларига.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Чўмилганда — балиқ, чопганда рости
Ел эдик — толиқиш бизга ёт эди.
Тиконга тўлса ҳам оёқнинг ости
Минган хипчинимиз «саман от» эди.

Кун бўйи кўзлари тўрт бўлиб кутган
Онани хаёлга келтириш гумон,
Ва лекин сертупроқ кўчадан ўтган
Қизларни изидан танирдик осон.

Биз билмас бир ҳолат топарди қарор
Ҳар дам қўшни қиздан гап очилганда.
Баъзида тонсак биз, баъзида иқрор
Бўлардик қишлоққа сир сочилганда.

Олис юлдузларга боқиб тунлари
Бир-бир шўхликлардан қолдик айрилиб.
Биз учун эртакка айланди бари
Борса-келмас йўллар сари қайрилиб.

Хаёл узоқларга учмоқ истайди,
Интизор юракнинг уриши ожиз.
Эҳ, агар болалик қайтиб келсайди,
У билан бахтиёр яшар эдик биз...

* * *

Бир олов ёнмоқда менинг кўксимда
Гоҳо сокингина, гоҳо гуриллаб.
Мен уни қуёшдан сўраб олмадим,
Прометейдан ҳам олмадим сўраб.

Бир олов ёнмоқда менинг кўксимда
Рўҳим, вужудимга ларзалар солиб.
Ундан меҳр олиб яшаяпман мен,
Куйлаяпман ундан ҳарорат олиб.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ИЗҲОР

I

Келгин, кўз юмайлик илҳом ишидан,
Хаёл осмонидан тушайлик ерга.
Ўтган умримизнинг ёзу қишидан
Биз нима беролдик ҳақиқий шеърга?

Балки шу кунгача илҳом ва хаёл
Бизни асир этиб умр йўлида
Узилган япроқни учирган шамол
Каби ушлаб турди сеҳр қўлида...

Гоҳо олислардан берар ғамгин сас,
Кечар кўз ўнгимдан бешарпа, бениз.
Дўстим фақатгина болалик эмас,
Ажиб дунё экан йўқотганимиз.

II

Мен деҳқон отамнинг қўлида бир кун
Кетмон дастасидан кўрганда излар,
Ўйладим: она-ЕР севгиси учун
Нима қила олдик дунёда бизлар...

Баъзида пинҳону, баъзан ошкора,
Бизни балоғатга бошлади баҳор,
Бир кун бахтли бўлсак, бир кун бечора
Ошиқ кўнглимизни ғашлади баҳор.

Бизни унутдилар,
Биз-чи, эҳтимол,
Ҳеч кимнинг баҳридан ўта олмасмиз.
Севинчлар юракка сиғмаган мисол
Ғамни ичимизга юта олмасмиз.

www.ziyouz.com kutubxonasi

III

Кўргин, бу оламда қанчалар оҳанг,
Қанча сир пинҳондир гуллар бўйида
Висол онларига етса ҳам аранг,
Қуёшнинг қон йўқдир рангу рўйида.

У ҳам армонлардан ғам чекса агар
Ким чидай оларкан дарди, оҳига.
Ёнмоқ бефойдадир, куймоқ бесамар,
Бардош топилмайди ўт нигоҳига.

Йўқ, бизлар қуёшни куйсин демасмиз,
Қуёш ҳам билмаган озорни ҳали.
Узилган япроқлар бизлар эмасмиз,
Қарши олажакмиз баҳорни ҳали.

Келгин, шамолни ҳам бир ёнга суриб,
Олов қиблагоҳга қараб чопайлик.
Оташ ҳаяжонлар юртида юриб,
Теран туйғулардан таскин топайлик.

* * *

Ишонч бор, валекин журъат етмайди,
Ғурур дарахтимиз паст бўйлик.
Бизни ҳеч нарсадан халос этмайди
Ажал етгандаги ростгўйлик.

Бир куни кундага пушаймонлар еб
Урилгунча то пешонамиз
Балки омон қўяр, шафқат қилар деб,
Биз жаллодга ҳам ишонамиз.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Кутганингдай бўлди — тегди ўқ,
Юрагинг қонталаш ётипти.
Сени душманларинг эмас, йўқ,
Ишонган дўстларинг сотипти.

Ҳолбуки, оғриқ бор — ўлим йўқ,
Ҳайронлар қоласан: негадир,
Дўст нишон олдими, доим ўқ
Адашмай юракка тегади.

* * *

Эслаб-эслаб то ҳануз дил ўртанди,
Нақадар ғўр эканман у маҳаллар.
Боғкўчадан тошлар отиб қувганди
Олмалари эртапишар маҳалла.

Ҳатто чоллар койиб, итлар пайдар-пай
Акиллашиб ўчирганда изларим,
Ерга тушиб эзилган нақш олмадай
Йиғлаганди боғкўчанинг қизлари.

* * *

Мана, сизга китоб — катта чарх,
Фикрингизни ўткирланг, қайранг.
Ҳар сўзида ўзгача бир тарҳ,
Ҳар саҳфаси ўзи бир байрам.

Ёпманг, бахтдан уни кўрманг кам,
Ўқинг, аччиқ пушмонлар ейсиз, —
Туққан ерни танимоқлик ҳам
Шунча оғир эканми дейсиз...

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Шамол ғимирлайверди,
Музлар синди дарёда.
Офтоб жимирлайверди,
Ўтлар унди саҳрода.

Шаффоф кўлнинг қирғоғи
Қўзғатди довулларни.
Карвонлар қўнғироғи
Титратди овулларни...

Йўллар чувалди, чанглар
Кўзларимни тўлдирди.
Ва ялтироқ оҳанглар
Сўзларимни ўлдирди.

Давомин ривоятнинг
Айтолмайман — жуда ғўр.
(Бу қадим вилоятнинг
Пешонаси бунча шўр.)

* * *

Синглим, далаларда бошландими иш,
Сен ҳам рўйхатларга қолдингми кириб?
(Бизнинг рўйхатларни қийин тушуниш,
Улар гоҳ рост бўлар, гоҳ эса фириб.)

Баҳорнинг бир парча кунлари аро
Энди тинглагайсан кетмон дарсини.
Ва йиллар ўтади,
ўқиб, биларсан
Дунёда эзгулик, виждон дарсини.

Сен ҳам бир ниҳолдай унмоғинг тайин,
Қалбинг боғ меҳрига балки тўлади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

То тирик экансан сенга ҳам доим
Хилма-хил рўйхатлар ҳамроҳ бўлади.

Ҳазар қил ҳар қандай игволардану
Ҳазар қил ҳар қандай юмалоқ хатдан.
Лек ҳайрон бўлмагин ҳали дунёга
Келмаган одамлар чиқса рўйхатдан.

Асло ажабланма оламдан ўтган
Одамлар рўйхатда турса тирилиб.
Кетмонни қўлига тутмаганлар ҳам
Ойлик олаверса ғоздай керилиб.

Билгину мусаффо қалбингни қийнаб,
Оғир хаёлларга толмагин бирдан.
Кўксингга кўклардан кенглик тилагин,
Бағрингга бардошлар тилагин ердан.

Синглим, далаларда бошландими иш?..

* * *

Кимга керак нафс соясида
Эзгуликни кўролмаган кўз
Ва ҳақиқат ҳимоясида
Мангу собит туролмаган сўз?

Савлатидан қўрққанда дорнинг
Сайраса ҳам соқов диёнат,
Қаршисида хиёнаткорнинг
Сукут сақлаш ўзи хиёнат.

* * *

Майли,
кўкрагингга,
елкаларингга
Тажовузкор тошлар турса ҳам тегиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳаётнинг тангу тор кўчаларида
Юрмагин ҳеч қачон бошингни эгиб.

Инграма, собит тур,
Букчайма, тик тур,
Минг азобда севгин она ерингни.
Қуйлар қўшиғингни куйлагин мағрур,
Ҳайқириб айтгин сен айтар шеърингни.

Майли, ҳасад қилсин тўйиб иғводан,
Тахту таназзулга топинган танлар.
Ўтсин,
        тушунмасдан ўтсин дунёдан
Сенинг юрагингни тушунмаганлар.

* * *

Қувраган тут шохлари аро
Лахча чўғдай чатнайди ҳилол —
Ўт кетмоғи учун бу тутга
Кифоядир бир елпим шамол...

* * *

Мана, гулларини тўкди ўрикзор,
Чумолилар қайиғига тўлди ҳовузча.
Кўринмай қолгандай ҳовузчада сув,
Шохларда ҳам кўринмайди ҳали довучча.

Қалқиб-қалқиб турган оппоқ саҳнда
Арилар ғўнғиллаб ахтараркан бол,
Тўнкариб чиқади битта-битталаб —
Учар қайиқларни чўктирар шамол.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Мен самони севдим,
мен севдим ойни,
Лекин дардим бўлди тупроқ зарраси.
Ва ерга эгилдим,
елкамда синди
Бахтнинг кўз илғамас дарраси.

Куз эди. Тўкилдим — тўкин дастурхон
Ёздим мен энг совуқ елларга.
Ҳотамтой эмасдим,
ундан-да сахий
Деб довруғим кетди элларга.

Ҳоридим. Хотирам хиралашмоқда.
Йўл эса ялтирар — кўз олар.
Ҳамон куз,
мени қор, ёмғир остида
Кутмоқда қалтираб ғўзалар...

* * *

Пастак шоти ўрнатиб,
Олиб ўткир дасткаллак
Тут новдасин кесаман
Ҳар кун саҳар, шом палла.

Шоҳи либос бўлсин деб
Пахта кийган ўлкамга
Зўр арқонда боғлайман,
Кўтараман елкамга.

Шундай улғаяди иш,
Ташвиш шундай семирар.
Юрагим шаклидаги
Япроқни қурт кемирар...

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Қўнғир сочлар, қўнғироқ сочлар,
Оҳ, бўйнимдан ўраб олдингиз.
Дунёда энг бегуноҳ сочлар,
Бугун гуноҳларга қолдингиз.

Мен қийналдим сизларни дея,
Сиз йиғлайсиз мен учун фақат.
Дунёда пок қизларни дея
Ғам чекади тунлар муҳаббат.

Мана, бугун кўринмас осмон,
Қалдироқлар қучоғида ой.
Мен турибман ҳолсиз ва ҳайрон,
Бугун мен ҳам гуноҳларга бой.

Қалбим истар ягона малҳам
Ишқимиздан — паноҳимиздан.
У бизларни эркаласа ҳам
Ўтолмайди гуноҳимиздан...

МАКТУВ

Чекка бир қишлоқнинг чекка уйида
Сунбул сочларини тараб-ўрган қиз,
Кундузлари яшаб висол ўйида
Тунги тушларида мени кўрган қиз.

Куралай кўзларинг қорачиқлари
Бир зум хаёллардан толса нетасан?
Сени ўз ҳолингга қўймади бари,
Жонгинам, бош олиб қайга кетасан?

Армонга айланмас авайлаганинг,
Саробдай сўнмайди толе қуёши

www.ziyouz.com kutubxonasi

Гарчи, минг азобда ёнса ҳам танинг,
Томчилаган бахтдир соғинч кўзёши.

Менинг ҳам руҳимда мунгли бир наво,
Лекин тоғлар ошиб учмоққа шайман.
Эй, менинг қалбимга айланган дунё,
Сенинг висолингдан умид узмайман.

* * *

Энг тикка,
          энг баланд шохларда,
Яланғоч новдалар қуршовида,
                    ҳар
Эрталаб қировли баданларини
Офтобга тутади сўнгги олмалар.

Энг ноёб ранглар ҳам тугайди,
Қўллари қалтирар мусаввир кузнинг.
Кетаркан
          берар тан
                    маҳоратига
Юзи чўғ, юраги заҳар кундузнинг.

Ёзги шивир-шивир,
                    баҳорги ёмғир
Музлайди япроқлар хотирасида,
Туғилиб кунларнинг бокирасида
Улғайган қўшиқлар музлайди бир-бир.

Йўлларда,
          боғларда,
                    хиёбонларда
Офтобнинг эринчоқ журъати.
Тобора олисдир у қўнар манзил,
Тобора баҳайбат қишнинг сурати.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Мен отамни соғинсам,
ҳар кун
Кўз олдимга шудгор келади.
Бу соғинчни сиғдирмоқ учун
Ёлғиз юрак кўп тор келади.

Эҳ, у қандай қадрлар ерни!
Ким қадрлар ерни бу қадар?
Балки севмас эдим мен шеърни,
Отам деҳқон бўлмаса агар...

Қақроқ қирда ғалла ундирди,
Лекин узоқ юрди омбордан.
Қай бир қўшчи ахир юз бурди
Пешонага битган шудгордан?

Изғирин куз, кўкси муз кўклам —
Кўп шафқатсиз шамоллар эсди.
Зулму зуғум занжирларин ҳам
Отам омоч тиғида кесди.

Уруш, сафарбарлик, хавотир
Чулғаганда чексиз Ватанни.
У кифтида милтиқмас, оғир
Кетмон билан чопди душманни.

У бугун ҳам шудгор қилади,
(Кераги йўқ унга раҳматнинг.)
У ҳаммадан яхши билади —
Таъми қандай ернинг, заҳматнинг.

Фақат менинг қалбимни бир оҳ,
Бир армонким, сира тарк этмас —
Отам айтган қўшиқларни гоҳ
Куйлар бўлсам, овозим етмас...

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Самода сеҳргар қуёшга қара,
Унинг жилмайиши минг дардга дармон:
— Руҳинг шикастаю юрагинг яра
Бўлса ҳам ноумид қолма ҳеч қачон.

Тингла, ҳар тарафда уриб туғёнлар
Бир қўшиқ куйлайди барги хазонлар:
— Энди қаҳратонда, қорда, қировда
Сенга сабот берсин, яланғоч новда...

* * *

Вулутлар кўчманчи ғубормас,
Осондир офтобнинг оғиши.
Япроқни яшнатиб юбормас
Ёмғирнинг ёқимли ёғиши.

Бу хорғин водийга ҳасратдош
Шамоллар эсади толиқмай.
Дарёнинг тубида қайроқтош
Ялтираб кўринар балиқдай.

* * *

Сувчи юрар пайкал оралаб,
Совисин деб чайлада чойни.
Кескир кетмонида парчалаб
Эгатларга оқизар ойни.

Ниҳолларни тонгга элтувчи
Пушталарга қўнар намхуш тун.
Ҳисоб берар осмонга сувчи
Ойнинг ҳар бир томчиси учун.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Уватларда ўйнар саратон,
Дамбаларда изи қолади.
Сувчи ногоҳ атрофида тонг
Ёришганин сезиб қолади.

Гарчи эгни тупроқ-лой эмас,
Гарчи чарчоқ сезмайди тани,
Парчаланган, оққан ой эмас,
Билмайди ўз умри эканин...

* * *

Қандай ёлғиз экан бу сўқмоқ,
Қандай овлоқ экан бу адир.
Шу сукунат — соқов жимликни
Сўйлаб бергим келар кимгадир.

«Етармикан сизга овозим»,
Агар етса, мени тушунинг:
Бу сукунат ташландиқ, вайрон
Уясидир иқбол қушининг.

* * *

Бебош бола каби чўмилар офтоб,
Марварид тўлқинлар ювар танини.
Сувлар сачратади — аритар шу тоб
Қирғоқлар дилидан муз аламини.

Келса ҳам ёмғирлар, қорларни кечиб,
Илкис қуёш билан юзланиб такрор
Ям-яшил кўйлагин соҳилга ечиб,
Сувда нилуфарга айланар баҳор.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Чайқалади сўнгги ўроқдан
Омон қолган бутанинг боши:
Нечун ҳар кун биздан йироқлаб
Бормоқдасан, эй куз қуёши?

Неларнидир шивирлаб шамол
Сочар қувонч зарраларини.
Мен-чи, тинглаб ётибман беҳол
Ернинг юрак зарбаларини.

Олислардан учиб келару
Қуйга чанқоқ кўнглимни хушлар
Бедазорнинг зангор осмонин
Шўх навога тўлдирган қушлар.

ОҲАНГ

Сени, эй гулирайҳон,
Қилмоқ бўлдилар пайҳон.

Гуноҳинг не?
Билмадим.
Паноҳинг не?
Билмадим...

Юлдузларга, моҳтобга,
Кундузларга, офтобга
Изҳор этиб эҳтиром
Йўлладинг хушбўй салом

Капалакка, арига,
Шамолга — шўх парига
Самимий сирдош бўлдинг,
Лекин сири фош бўлдинг.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Гуноҳинг не?
Билмадим.
Паноҳинг не?
Билмадим...

МУҲАББАТНИ ҚИЗҒАНИШ

Хаёлан учратдим, ғойибдан севдим.
Қуёш ботганида, қорайганда қош
Мен сени ўғирлаб кетаман девдим,
Ўзинг ҳузуримга келдинг эгиб бош.

Ой-юлдузлар хира тортди самода,
Кел, сени бундан-да ўғирлаб кетай.
Лекин ғариб тунда, нурсиз дунёда
Тобора мунаввар кўринсанг, нетай?

* * *

Сенинг йўлларингга қилмайман ҳавас,
Орзуларинг кўпдир унда ушалган.
Менинг йўлларимга орзулар эмас,
Армон майсалари тўшалган.

Дарёлар гирдоби ютдилар мени,
Саҳролар сароби сеҳрига тортди.
Осмон хаёлимнинг учқур отига
Қалдироқлар юкини ортди.

Бир ойдин саҳарнинг йўлида қурбон
Ҳасрат-ҳаяжонга тўла тунларим.
Умрим дарахтидан тўкилар гирён
Хазонлардай ҳазин кунларим.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЭРТАКДАН ПАРЧА

Юлдуз учар — ўқ учар
Ойнинг ўнгу сўлидан —
Қароқчилар тўдаси
Келар Сомон йўлидан.

Ажал тиш-тирноғида,
Найзаси бор, тиғи бор.
Тулпорлар туёғида
Шафақнинг йиртиғи бор.

Улар қонини тўкди
Уфқда соқчиларнинг.
Падарига минг лаънат
Ўша қороқчиларнинг!

Сомон йўли — нур йўли
Ваҳмага чулғанди.
Очкўзлар қадамидан
Ҳатто осмон булғанди.

ЭШАККА МАҚТОВ

Ҳазил

Ақлли чиқибди Аҳмад бобонинг
Кечаги бозордан олган эшаги.
(Унга кўп хизматлар кўрсатган эди
Ўтган ҳафта ўлиб қолган эшаги.)

Тур деса тураркан, ёт деса ётар,
Чўк деса, туядай чўка оларкан.
Бирйўла тўртала оёғини ҳам
Тиззадан таъзимга бука оларкан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Чол кеча кўчага чиққанда миниб
Бедовдай ҳаммага кўкрак керибди.
Қиш келса, мен емни жуда оз ейман
Деб Аҳмад бобога ваъда берибди.

Кечқурун «куйласа», овози унинг
Бутун қишлоқ бўйлаб янграган эмиш
Бугун ҳам азонда хўжайинининг
Номини шарафлаб ҳанграган эмиш.

Ақлли чиқибди Аҳмад бобонинг
Кечаги бозордан олган эшаги...

* * *

Атрофга тун қўнар,
уфқлар сўнар,
Йўлларга термилиб толар қишлоқлар.
Шундай маъюс тортар от-улов
олис
Сафар тараддуди кўрилган чоқлар.

Даладан,
фермадан қайтару ҳорғин
Пашшага талашиб мудрар эл.
Боғларнинг бошини айлантиради
Саратон нафаси — гармсел.

Дарахтлар учида тунаган қушлар
Унутиб осмонни,
ҳур тушларини
Ҳадик ичра тинглар дайди итларинг
Кўкка боқиб ҳуришларини...

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Кундуз узоқлашди. Осмон қорайди.
Дарахтлар безовта чайқалар экан,
Тўзонлар ташрифи пайқалар экан,
Ҳаво оғирлашди, имкон торайди.

Юракдаги дардли қалдироқлардан
Сачраб кетар экан уфқларга қон,
Не учун хотиржам боқар бу осмон,
Қандай фармон кутар у йироқлардан?

* * *

Олтин кузак, кеч кузак,
Ҳувиллайди далалар.
Кўйлагингни еч, кузак,
Кийсин чумчуқ галалар.

Қуш бўлиб учар кўнгил
Кўчаю кўйларида.
Болалигим кечган ул
Зарафшон бўйларида!

Сойга суқланиб боқар
Олис Равот қишлоғи.
Сойни тўлдириб оқар
Тол, тераклар япроғи.

Қишлоқнинг шўх қизлари
Ўт ёқади тандирга.
Қизарар гул юзлари
Кулчалар билан бирга.

Йўлларга кўз тикар жим
Дов-дарахт-ла куршовли
Менинг девона умрим
Илдизлар отган ҳовли...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Йўллар эса кимсасиз,
Бош олиб кетар йироқ.
На бир шарпа, на бир из
Ваъда беролмас бироқ.

Қари-қартанг толларга
Чалдириб чанқовузлар.
Толар минг хаёлларга
Ҳасрат тўла ҳовузлар.

Ёруғ кунга топиниб,
Тушларида ёз, баҳор.
Тупроқ кўрпа ёпиниб
Ухлаб ётар узумзор.

Қалдироқлар қаҳридан
Титраб аста шивирлар
Кечки аёз заҳридан
Қорга дўнган ёмғирлар...

* * *

Аёл, аёл, паришон аёл,
Сочларини турмаклар.
Аёл, аёл, меҳрибон аёл,
Мени ишққа йўргаклар.

Термилади, титрайди,
Сузгун кўзларида ёш.
Сўйла, меҳрибон аёл,
Сўйла, гўзал қайғудош.

У менга сир айтади,
Мен унга шеър айтаман.
Турмакланган сочини
Тўзғитаман қайтадан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ёлворар бир қора кун
Сен севгимдан кечма деб.
Ёлвораман мени ишқ
Йўргагидан ечма деб...

* * *

Кўзларимда қалқади ёшим,
Хаёлимда ваҳима, кулка.
Юрак бўзлар, судрайман лошим —
Чиқаман энг хатарли йўлга.

Қайда ўша сеҳрли соҳил,
Қайда ўша қайғу маскани?
Мен — гуноҳкор, бораман жоҳил
Уйларимни дорга осгани.

БАЙРАМ

Ҳайқириқ шиорлар, гижду банг,
Эл борми бунчалар хушнуд ва ройиш.
Энг катта кўчани қилиб танг
Оқиб бораётир намойиш.

Қизларнинг қўлида гулдаста,
Ранг-баранг шарчалар — пуфланган.
Ҳар дилга бир дунё шодлик пайваста,
Қайғу эса уйда,
уй-чи, қулфланган.

* * *

Қора кўзлар боқади айёр,
Бу кўзларнинг қораси ёмон.
Уринсам-да, улардан зинҳор
Сақлолмайман ўзимни омон.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу кўзларга шайдо кимки бор,
Бари ўтли нигоҳ қурбони, —
Киприкларнинг қалин сафи дор,
Қорачиқлар — қатл майдони.

ВИДО ҚЎШИҒИ

Сочларингдан анбар келган дам
Киприкларим ғарқ бўлур ёшда.
Ишқимизни дунё билса ҳам
Қирғоқларнинг қисмати бошда.

Ёлворамиз ёруғ дунёга,
Яна аччиқ ёшлар тўкамиз.
Ўлим кўприк бўлар дарёга,
Бизлар эса сувга чўкамиз.

* * *

Яна ёз ёмғири ёғаётир жим,
Кўксимда кўкламнинг қатқалоқ дарди.
Райҳон япроғидай ювилар қалбим,
Ювилар...
валекин ўчмайди гарди.

Ҳар дамим изтироб,
ҳамдамим — азоб,
Таъмагир толедан ўгирдим юзни.
О, мағрур ўйларим, ҳолингиз хароб,
Мен энди руҳимдан қуваман сизни.

Тупроққа қормасми умид гавҳарин
Тонгда тафаккурни тирнагувчи туш?
Умр — Семурғ каби оч, қанотларин
Кўп оғир силкитиб учаётган қуш.

Боғларга куй бўлиб қуйилар ёмғир,
Райҳон бўйлари ҳам бир хуш таралар
Лекин заҳмат ҳидин уфураётир
Менинг юрагимда қотган яралар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Яқин йўлатмаймиз қайғу сасини,
Бу ҳам бир эъзоз.
Қандай ёмон кўрар ўз эгасини
Булғанган овоз.

Ўйлаймиз: не деркин бунга бошқалар,
Нечун бу кўзёш?
Тиғни яширамиз, фақат тош қолар —
Силлиқ, юмшоқ тош.

* * *

Қир-адирлар, тошлоқ даралар
Қор остида ухлаб ётарлар.
Бўриларнинг увлашин тинглаб
Сергакланар ҳуркак отарлар.

Тўплаб олар тоғнинг пинжига
Томи тупроқ уйларин овул.
Чўққиларга тирмашиб чиқар,
Харсангларни қулатар довул.

Елкасида залворли ҳаёт —
Оч қашқирлар ғажиган чакмон,
Бўрибосар итлар ҳураркан,
Кўзғаб қўяр сурувни чўпон.

* * *

Кун сайин кўркамдир кундузлар.
Ҳаммага меҳрибон бу фасл
Бир менинг бошимдан нур эмас,
Қайғулар ёғдирар муттасил.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мен кириб борганда боғларга
Гул сочмас ҳаттоки шафтоли.
Аммо мен умидвор яшайман,
Яшайман ғамдан-да тафт олиб.

* * *

Кел, ўпайин сени сўнгги бор,
Кўзларингни юмиб кел, майли,
Кўзларингга кирмасин, дилдор,
Армонларим бўса туфайли.
Кел, ўпайин сени сўнгги бор,
Бахтинг кулсин, жонгинам, токи.
Сочларингни ўраб келгин, ёр,
Илинмасин бағримнинг чоки.

АРИҚ

Кифтларимда ўсарлар ғуж-ғуж
Кўкламларнинг ҳур ялпизлари.
Кўкрагимни тешар ва туйиб
Сув ичади тут илдизлари.
Жимир-жимир юлдузлар ҳар тун
Пешонамда дурдай тизилар.
Яйдоқ далаларнинг уйқуси
Юрагим зарбидан бузилар.
Шошқин-тошқин оқувчи умрим
Оч тупроққа сингаркан секин,
Менинг зангор овозим бўлиб
Пайкалларда гуркирар экин.

ТУКИНЛИК

Осмон тандирига олов ёқилди,
Қуёш ҳорғин кўк сафарида.
Гилослар етилди, тутлар қоқилди
Эски шаҳар ҳовлиларида.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Айвон салқинида хаёллар суриб
Маъюс ўлтиришар момолар —
Шошар сўнг манзилга умр — югурик,
Тилдан тушмас эзгу дуолар.

Чўлда чанқоқ босган сайёҳ сингари
Энтикади бу шаҳри азим.
Ерга олқиш, офтобга — таъзим —
Дарахтларнинг сокин солланишлари.

Офтоб билан юриб изма-из
Ёз кириб келаркан қадимий Шошга,
Томлар сават тўла тутмайиз
Узатади ҳорғин қуёшга.

* * *

Зуҳро, Зуҳро, сени эсладим
Ойдин тонглар ёришганида.
Осмонида телба руҳимнинг
Нур ва зулмат қоришганида.

Сен қаҳрлар йўлладинг бот-бот:
Ўт кетсин бу шаддод шаҳарга.
Кўрсатмади лойиқ илтифот
Мангу сайёҳ маликаларга...

Мен наволар ахтардим узоқ,
Аммо сукут сақлаётган ким?
Қанча оғир бўлса куйламоқ,
Шунча енгил тортмоқда руҳим

Яна ўтда қоврилади жон,
Ғолиб хаёл парвози юксак.
Амру фармон билан ҳеч қачон
Тўхтамайди уришдан юрак.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Туғёнлари, зарбларига у
Бир кун топар оҳангни, рангни.
Булутлар ҳам тўсолмас мангу
Сенинг олис, нурли чеҳрангни.

* * *

Сойларда эриниб эримоқда муз,
Еллар қанотида илоҳий титроқ.
Кифтидан қор кетмай, очмай ҳали юз
Қуёш томчиларин ичмоқда тупроқ.

Дарахтлар ҳурпайган, қушлар зорламас,
Осмон гумбурламас дилга дарз сола.
Фақат олисларга мени чорламас
Кунгайда бойчечак ахтарган бола...

ҚАТЪИЯТ

Кўнгил ёзилармi куйлаган билан,
Юрак юпанарми шеър ўқиб?
Ўжар ўйларимнинг чайир ипидан
Кескир қанот оламан тўқиб.

Керакмас қутламоқ, кулиб гул тақмоқ,
Юрмасман ҳеч кимдан ранжилиб.
Нақл бор: умр, бу — ярқ этган чақмоқ,
Ўламан булутга санчилиб.

ПАХТАХИРМОН ҚИШЛОҒИДА

Қуёшли кундузда учқунлайди қор —
Тўкилади йўлларга пахта.
Мезондай ингичка севинч тўкилар,
Оппоқ дард тўкилар лахтаю лахта.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Етти иқлимда йўқ бунча ҳорғин куз,
Минг бир товланса ҳам маъюсдир ранглар.
Менинг кўзларимга тушдими ғубор,
Ё оппоқ дард узра қўнмоқда чанглар?..

* * *

Шамол ахтаринчоқ, боғлар безовта,
Маъюс хайрлашар япроқлар бари.
Бизга шафқат қилмас энди бу фасл,
Қариб қолди унинг сафари.

Видолар айтсак ҳам, руҳан чўкмаймиз,
Яшаймиз сездирмай дилдаги зорни.
Қора қарға каби ошкор тўкмаймиз
Пинҳон соғинчимиз — оқ қорни.

* * *

Саломлар айт менинг номимдан,
Манзилга ой бору омон кел.
Қўрқма, кимдир кузатса зимдан,
Тушун, агар ғийбат қилса эл.

Энди ҳар бир сўзингни тақдир
Ҳақнинг овозига жўрлатсин.
Ким кечирмас ўзини — ҳақдир,
Тақдир сени шунга ўргатсин.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Қонталаш бағримга отганинг пайкон
Увади жонимнинг риштасин, Райҳон.

Ғамгин япроқларга сачрайди қон-доғ,
Гуллар тўзғиб қолар, сесканади боғ.

Жудоликка кўпдан кўниккан аёл
Каби афсун сочиб ўтади шамол.

Худди кўтарилгандайин уммондан
Баногоҳ бир оққуш учади қондан.

Бўзлайди — тоғларни эритар оҳи,
Булутни нимталар ўтли нигоҳи.

Тузоққа илинар — типирчилар кун,
Машриқ ғорларида болалайди тун.

Сен эса мудрайсан, кўрасан тушлар:
Қулар қанотлари куйган оққушлар...

* * *

Мен тушимда тубсиз осмонга
Учдим, ахтариндим — юлдуз йўқ.
Уфқлардан ошдим, нечундир
Тонг отган кўринар, кундуз йўқ.

Ғазабнок вулқонлар ўт эмас,
Изғирин уфуриб ғўлдирар.
Офтобни йўқотган тоғлар ҳам
Фош бўлган ёзтқиндай мўлтирар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Нур ваъда қилганлар, қайдасиз?
Нетай бу музликлар макбнин?
...Тушда кўрдиммикин ёки мен
Офтобнинг тескари томонин...

ҚОҒОЗГА ҚАСИДА

Шундай қоғозлар бор,
сандиқдан пана
Жой топиб ётару семирар.
На йиллар сарғайтар уларни
ва на
Сичқон кемирар.

Сандиқ тўлса ҳамки улар мазмунин
Икки сўзда чақиш мумкин: «Бер, тўла...»
Уларнинг наздида мана шу замин,
Шу осмон ости бир ертўла.

Ҳатто баланд тоғлар — сувхалта,
юкдан
Узилган дарёлар ўзани.
Офтоб ҳам дилдираб боқар туйнукдан
Соғиниб кетганда рўзани.

Юраклар даштига эса ҳар кўклам
Нимаки экмадик — ўрилди қўрқув.
Шул сабаб минг йиллик деворлардан ҳам
Сизмоқда шўр сув...

ОЛТИНКУЛ БУЛСАЙДИМ...

Мен бир ғўр одамман, содда, пишмаган,
Сен мени далалар донгдори дема.
Минганим тулпормас ҳуркиб, кишнаган,
У — қора курсили «зангори кема».

www.ziyouz.com kutubxonasi

Чўл бағрида ботқоқ қамишзор — текин
«Истироҳат боғи» қурбақаларга.
Мана бу — пахтазор — қора иш, лекин
Оқ денгиз шимолий минтақаларда.

Дили шикастаю тани носоғлар
Ана, хирмонда чанг ютиб юрибди.
Кўчиб келгани йўқ бу ерга тоғлар,
Улар ўз жойида турибди.

Қай томон қарама, мақтовқуш туллаб
Ётса, гуноҳмикан ҳайдаб сўкинмоқ?
Олтинкўл бўлсайдим, тирноқни пуллаб
Рўзғор тебратардим тўкинроқ...

ЕТАР...

Ижарада турган талаба каби
Қовоғига қараб соҳиб замоннинг
Истиҳола ичра яшамоқ етар.

Етар бойлик топган қуллар тиллани
Бўлишолмай ғавғо кўтарганидек
Асабий гап сотмоқ мусибатлардан.

Илонтил шарпалар салтанатида
Хизматкорнинг ноқис хотини мисол
Етар бахт куйини қилмоқ хиргойи.

Етар ўз ўғлидан тавозе талаб
Отадай манфаат кишанларини
Осмоқ гўдакларнинг учқур руҳига.

Ажалнинг муқаррар ташрифин эслаб,
Қатлдан қўрққандай қўрқиб шуллукдан
Авайламоқ етар бўлғанч қонларни!

www.ziyouz.com kutubxonasi

МУНДАРИЖА

Ёз 3
«Туман тарқалади. Қишлоқ устида...» 3
«Қуёш ботар Товланар алвон...» 4
«Таҳсин деб. чечаклар бўйнга...» 5
«Қузак шивирлайди бетиним...» 5
«Ойдин тунлар ўтди, азизам...» 6
«Бу дарё ҳам бу сойда...й 6
«Қуёш олис уфқдаги...» 8
«Сокин супаларни супурди шамол...» 8
«Титраб кетар бедазор...» 8
«Поёнида тупроқ кўчанинг...» 9
«Далалар висолин сориндн юрак...» 9
«Дарахтларнинг сокин гўшаси...» 10
«Энди қирлар кўксига баҳор...» 11
Бахмал 11
«Хаёлларим учар Зарафшон бўйлаб...» 12
«Мунаввар тун, мунаввар тун...» 13
«Олислардан бир қиз келади...» 13
«Сени кўрсам яйрар юрагим...» 14
«Сенга шеърлар айтиб бераман...» 14
«Тонг отар жуда эрта...» 15
Хайрлашув 16
«Сўнаётган шам ва хаёлчан қиз....» 16
«Қайрилиб қарайди атиргул...» 17
«Савр ўтиб бораётир...» 17
«Бу сўқмоқдан юрар бўлсанг гар...» 18
«Ҳар қандай очкўзлик...» 18
Афросиёб 18
Кетмончилар 19

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Бу саркаш йўлларни ёқалаб...» 20
«Шийпон — дала йўлнинг...» 20
«Гарчи ой нур сочар—кеча қоронғу...» *А. Блокдан*. 21
Мутеликка таъриф 21
«Енгил ёмғир ёғди руҳимда...» 22
Болаликни эслаб 22
«Бир олов ёнмоқда...» 23
Изҳор 24
«Ишонч бор, ва лекин журъат етмайди...» . . . 25
«Кутганингдай бўлди — тегди ўқ...» 26
«Эслаб-эслаб то ҳануз дил ўртанди...» 26
«Мана сизга китоб — катта чарх...» 26
«Шамол ғимирлайверди...» 27
«Синглим, далаларда бошландими иш?...» 27
«Кимга керак нафс соясида...» 28
«Майли, кўкрагингга, елкаларингга...» 28
«Қувраган тут шохлари аро...» 29
«Мана, гулларини тўкди ўрикзор...» 29
«Мен самони севдим...» 30
«Пастак шоти ўрнатиб...» 30
«Қўнғир сочлар, қўнғироқ сочлар...» 31
Мактуб 31
«Энг тикка, энг баланд шохларда...» 32
«Мен отамни соғинсам...» 33
«Самода сеҳргар қуёшга қара...» 34
«Булутлар кўчманчи ғубормас...» 34
«Сувчи юрар пайкал оралаб...» 34
«Қандай ёлгиз экан бу сўқмоқ...» 35
«Бебош бола каби чўмилар офтоб...» 35
«Чайқалади сўнгги ўроқдан...» 36
Оҳанг 36
Муҳаббатни қизғаниш 37
«Сенинг йўлларингга қилмайман ҳавас...» . . . 37
Эртакдан парча 38
Эшакка мақтов 38
«Атрофга тун қўнар...» 39

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Кундуз узоқлашди. Осмон қорайди...» 40
«Олтин кузак, кеч кузак...» 40
«Аёл, аёл, паришон аёл...» 41
«Кўзларимда қалқади ёшим...» 42
Байрам 42
«Қора кўзлар боқади айёр...» 42
Видо қўшиғи 43
«Яқин йўлатмаймиз қайғу сасини...» 44
«Кун сайин кўркамдир кундузлар...» 44
«Кел, ўпайин сени сўнгги бор...» 45
Ариқ 45
Тўкинлик 45
«Зуҳро, Зуҳро, сени эсладим...» 46
«Сойларда эриниб эримоқда муз...» 47
Қатъият 47
Пахтахирмон қишлоғида 47
«Шамол ахтаринчоқ, боғлар безовта...» 48
«Саломлар айт менинг номимдан...» 48
«Қонталаш бағримга...» 49
«Мен тушимда...» 49
Қоғозга қасида 50
Олтинкўл бўлсайдим 50
Етар 51

www.ziyouz.com kutubxonasi

Литературно-художественное издание

АБДУЛ ЖАЛИЛ
(Абужалил Ходжамов (Тухтаевич)

УСТАЛАЯ ДОЛИНА

Стихи

Рецензент *Усман Кучкаров*
Художник *В. Жеребцов*

Ташкент, издательство литературы и искусства им. Г. Гуляма, 1989

Книга издается в счет экономии бумаги

На узбекском языке

Адабий-бадиий нашр

АБДУЛ ЖАЛИЛ
(Абдужалил Хўжамов Тўхтаевич)

ҲОРҒИН ВОДИЙ

Шеърлар

Тақризчи *Усмон Қўчқоров*
Муҳаррир *М. Юсупов*
Расмлар муҳаррири *А. Мамаджонов*
Техн. муҳаррир *Р. Рахматуллина*
Мусаҳҳиҳ *М. Насриддинова*

ИБ № 4406

Босмахонага берилди 26. 05. 89. Босишга рухсат этилди 2?. 12. 89. Р—02865 Формати 70×90$^{1}/_{32}$. Босмахона қоғози №. 2. Адабий гарнитура. Юқори босма Шартли босма л. 2,05. Шартли кр.-оттиск 2.19 Нашр л. 2.08 Тиражи 15.000 Заказ 5750. Баҳоси 25 т.
Шартнома № 71-88.

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 700129. Тошкент. Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитетининг Самарқанддаги Морозов номли полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмаси. Самарқанд—703010, Турсунов кўчаси, 82.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Жалил, Абдул.
Ҳорғин водий: [Шеърлар].—Т. :Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989, —56б.
Чиқиш маълумотларида авт.: А. Хўжамов

Абдужалил Хўжамов шеърият бу самимият мамлакати эканини юракдан ҳис этиб қалам тебратади. Болалик, олису аммо ҳамон кўнгилга яқин туғилган жойи, муҳаббати ҳақида завқ билан ёзади.

Джалил А. Усталая долина: Стихи.

Ўз2

www.ziyouz.com kutubxonasi